# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

2026 ЙИЛ – МАҲАЛЛАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЖАМИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2026 йил 23 апрель, № 80 (9251) Пайшанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

# ИҚЛИМ ЎЗГАРИШЛАРИГА ҚАРШИ КУРАШ ЙЎЛИДАГИ ҲАМЖИҲАТЛИК

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаевнинг таклифига биноан Минтақавий экологик саммит ва Оролни қутқариш халқаро жамғармаси таъсисчи давлатлари раҳбарлари кенгашининг йиғилишида иштирок этиш учун 21-22 апрель кунлари амалий ташриф билан Остона шаҳрида бўлди.**



Давлатимиз раҳбари Қозоғистонга амалий ташрифи дастури доирасида 22 апрель куни Марказий Осиё мамлакатлари, Мўғулистон, Озарбайжон, Грузия ва Арманистон делегациялари раҳбарлари билан биргаликда Остона шаҳридаги "EXPO" халқаро кўргазмалар марказида ташкил этилган Минтақавий экологик саммит кўргазмасидаги миллий павильонларни бориб кўрди.

"МЭС — 2026" диққат марказида экологик сиёсатга комплекс ёндашувни акс эттирувчи саккизта устувор йўналиш турибди: иқлим ўзгаришига қарши курашиш, озиқ-овқат хавфсизлиги ва экотизимлар барқарорлигини таъминлаш, табиий хавф-хатарларга мослашиш ва иқтисодий барқарорликни ошириш, ҳаво ифлосланишини камайтириш ва чиқиндиларни самарали бошқариш, экологик мақсадларга эришиш механизмларини ривожлантириш, табиий ресурсларни барқарор бошқариш, адолатли ва инклюзив "яшил" ўтиш, экологик ҳамда рақамли компетенцияларни ривожлантириш. Саммит кун тартиби барқарор ривожланишнинг экологик ҳамда ижтимоий-иқтисодий жиҳатларини ҳам қамраб олган.

Тадбирда иштирок этаётган мамлакатларнинг миллий павильонларида уларнинг ушбу йўналишлардаги ютуқлари ва келгуси режалари намойиш этилмоқда.

Интерфаоллик ва мультимедиа элементларига эга кўргазма-тақдимот майдони шаклида барпо этилган Ўзбекистон павильони мамлакатимизнинг экология, иқлим ўзгариши ва Марказий Осиёнинг барқарор ривожланиши соҳаларидаги давлат сиёсатининг устувор йўналишларини акс эттиради. Шунингдек, экспозиция Ўзбекистоннинг экология соҳасида минтақавий ва халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлашга қўшаётган ҳиссасини намоён этади.

Олий мартабали меҳмонларга экологик тараққиётнинг замонавий моделини шакллантиришга қаратилган асосий ташаббусларни ўз ичига олган экспозиция тақдим этилди. "Чиқиндисиз ҳудуд", "Тоза ҳаво", "Яшил макон", "Экомаданият", "Биомерос" ва "Экологик таълим" каби умуммиллий лойиҳалар шулар жумласидан.

Орол фожиаси оқибатларини бартараф этиш, шунингдек, халқаро ташкилотлар, энг аввало, БМТ тузилмалари билан ҳамкорликни ривожлантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Шундан сўнг Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Остона шаҳрида бўлиб ўтаётган Минтақавий экологик саммитнинг очилиш маросимида иштирок этди.

Тадбирда Қозоғистон Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев, Қирғизистон Президенти Садир Жапаров, Тожикистон Президенти Эмомали Раҳмон, Туркманистон Президенти Сердар Бердимуҳамедов, Мўғулистон Президенти Ухнагийн Хурэлсух, Арманистон Президенти Ваагн Хачатурян, Грузия Президенти Михаил Кавелашвили ва Озарбайжон Бош вазири Али Асадов ҳамда халқаро ва минтақавий ташкилотлар раҳбарлари ҳам қатнашди.

Давлатимиз раҳбари ўз нутқида Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаевни саммитнинг муваффақиятли ташкил этилгани билан самимий табриклаб, унинг экологик хавф-хатарларнинг ўзаро боғлиқлиги ва уларни биргаликда ҳал қилиш зарурлигини ўзида мужассам этган "Барқарор келажак учун умумий нигоҳ" деган бош ғоясини тўлиқ қўллаб-қувватлашини билдирди.

Президентимиз мазкур учрашув ўтган йили Самарқанд иқлим форумида бошланган мулоқотнинг мантиқий давоми эканини таъкидлаб, Марказий Осиё давлатларининг экологик дипломатияси тизимли ва изчил тус олиб, сифат жиҳатдан янги босқичга кўтарилаётганидан мамнунлигини таъкидлади.

Ўзбекистон етакчиси қайд этганидек, бугунги кунда экологик муаммоларни глобал иқлим ўзгаришларидан айри ҳолда кўриб чиқиб бўлмайди.

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ МИНТАҚАВИЙ ЭКОЛОГИК САММИТДАГИ НУТҚИ

Ҳурматли Қосим-Жомарт Кемелевич!

Ҳурматли делегациялар раҳбарлари!

Хонимлар ва жаноблар!

Аввало, Қозоғистон Республикаси Президенти ҳурматли Қосим-Жомарт Кемелевич Тоқаевга Минтақавий экологик саммитни ўтказиш борасидаги ташаббуси ҳамда уни юксак даражада ташкил этгани ва анъанавий илиқ меҳмондўстлик учун алоҳида миннатдорлик изҳор этмоқчиман.

Ўзбекистон саммитнинг экологик хавф-хатарларнинг ўзаро чуқур боғлиқлиги ва уларни биргаликда ҳал қилиш зарурлигини ифода этадиган "Барқарор келажак учун умумий нигоҳ" деган бош ғоясини тўлиқ қўллаб-қувватлайди.

Бугунги учрашув ўтган йили Самарқанд иқлим форумида бошланган мулоқотнинг мантиқий давомидир. Қувонарлиси шундаки, Марказий Осиё давлатларининг экологик дипломатияси тизимли ва изчил тус олиб, сифат жиҳатдан янги босқичга кўтарилмоқда.

Ҳурматли саммит иштирокчилари!

Бугунги кунда экологик муаммоларни глобал иқлим ўзгаришларидан айри ҳолда кўриб чиқиб бўлмайди.

Глобал исиш суръатларининг тезлашиши давом этмоқда, Марказий Осиё минтақасида эса ҳарорат икки баробар тезроқ кўтарилмоқда. Минтақа музликларининг қарийб учдан бир қисми йўқолди, ёғингарчилик тартибининг беқарорлиги кузатилмоқда, сув ресурслари танқислиги ортиб бормоқда. Ер майдонларининг 80 миллион гектари аллақачон деградацияга учради.

Глобал экологик бирдамлик заифлашаётгани чуқур хавотир уйғотмоқда. Декларациялар ва даъватлар ресурслар билан мустаҳкамланмаяпти. Глобал иқлим ўзгаришига энг кам таъсир кўрсатаётган мамлакатлар унинг оқибатлари билан яна яккаю ёлғиз қолмоқда.

Халқаро ҳамжиҳатлик, энг аввало, ривожланаётган мамлакатларнинг иқлим ўзгариши билан боғлиқ молиялаштириш, илғор технологиялар ва инновациялардан ўз вақтида, адолатли ва тўсиқсиз фойдаланиш имконияти билан таъминланишида намоён бўлиши лозим деб қатъий ишонамиз.

Шуни мамнуният билан қайд этмоқчиманки, Марказий Осиё давлатлари атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалаларини минтақавий ҳамкорликнинг энг муҳим устувор йўналиши даражасига кўтаришга муваффақ бўлди. "Марказий Осиё учун яшил кун тартиби" минтақавий дастури, Иқлим ўзгаришига мослашиш бўйича минтақавий стратегия ҳамда Барқарор ривожланиш учун атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича минтақавий дастур бундай шерикликка мисол бўла олади.

Бугунги форумда "Марказий Осиё экологик бирдамлиги" декларацияси, шунингдек, БМТ тузилмалари билан яқин шерикликда амалга ошириладиган, 2030 йилгача мўлжалланган Ҳаракатлар дастурининг қабул қилиниши умумий ишимизга муҳим ҳисса бўлиб қўшилади.

Ҳурматли ҳамкасблар!

Ўзбекистон экологик барқарорликни шакллантириш бўйича аниқ мақсадли ва тизимли чора-тадбирларни амалга оширмоқда.

"Яшил макон" лойиҳаси доирасида қарийб 1 миллиард туп дарахт ва бута экилди. Орол денгизининг қуриган тубида 2 миллион гектардан ортиқ майдонда ўрмонзорлар барпо этилиб, янги "яшил белбоғ"лар яратилмоқда. Бизнинг ташаббусимиз билан БМТ Бош Ассамблеясининг "Ўрмонлаштириш ва ўрмонларни тиклаш бўйича ҳаракатлар ўн йиллиги" резолюцияси қабул қилинди.

Сувни тежаш борасидаги кенг кўламли саъй-ҳаракатлар натижасида биз йилига 10 миллиард кубометр сувни иқтисод қилмоқдамиз. Генерация қувватларимизда "яшил" энергетика улуши аллақачон 30 фоизга етди, жорий ўн йилликнинг охирига бориб эса 50 фоиздан ошади. Биз Париж битими бўйича зарарли чиқиндиларни 35 фоизга камайтириш мажбуриятини муддатидан олдин бажардик ва олдимизга янги мақсад — уларни 2035 йилгача икки баробар қисқартириш вазифасини қўйдик.

Чиқиндилардан энергия ишлаб чиқариш бўйича лойиҳалар фаол амалга оширилмоқда. Жорий йилда чиқиндиларни ёқиш бўйича иккита янги завод ишга туширилади, яна 9 таси эса келгуси икки йил давомида фаолиятини бошлайди. Уларнинг ишга туширилиши ҳар йили 5,5 миллион тонна чиқиндини утилизация қилиш, 2,2 миллиард киловатт-соат электр энергияси ишлаб чиқариш, шунингдек, чиқиндилар ҳажмини 1 миллион тоннадан ортиққа қисқартириш имконини беради.

Ҳурматли делегациялар раҳбарлари!

Ишончим комилки, Марказий Осиё давлатлари иқлим ва экология муаммолари қаршисида, хавф-хатарларни янги "ўсиш нуқталари"га айлантирган ҳолда, ҳамкорликда ҳаракат қилиши лозим.

Шу муносабат билан бир қатор аниқ таклифларни тақдим этмоқчиман.

**Биринчи.** Атмосфера ҳавосининг сифати ёмонлашаётган шароитда "Марказий Осиёнинг тоза ҳавоси" давлатлараро консорциумини таъсис этиш минтақа аҳолиси саломатлигини ҳимоя қилишда муҳим қадам бўлади деб ҳисоблайман.

Консорциум саноатни модернизация қилиб, ҳавога чиқарилаётган зарарли моддалар учун тозалаш тизимларини жорий этадиган "яшил" молиялаштиришнинг қўшма операторига айланиши мумкин.

**Иккинчи.** Ўзбекистондаги Яшил университет ҳузурида фаолият юритаётган Чўлланишга қарши курашиш, қурғоқчиликнинг олдини олиш ҳамда қум ва чанг бўронлари ҳақида барвақт огоҳлантириш марказига минтақавий мақом беришни таклиф этаман.

Марказ базасида илмий салоҳиятни бирлаштириш ерларнинг деградацияси ҳамда туз ва чангли бўронларни мониторинг қилиш бўйича кучли тизимни яратиш имконини беради.

(Давоми 2-бетда).

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ОРОЛНИ ҚУТҚАРИШ ХАЛҚАРО ЖАМҒАРМАСИ ТАЪСИСЧИ ДАВЛАТЛАРИ РАҲБАРЛАРИ КЕНГАШИ МАЖЛИСИДАГИ НУТҚИ

Ҳурматли делегациялар раҳбарлари!

Аввало, самимий меҳмондўстлик ва саммитимизни аъло даражада ташкил этгани учун Қозоғистон Республикаси Президенти, ҳурматли Қосим-Жомарт Кемелевич Тоқаев Жаноби Олийларига билдирилган миннатдорлик сўзларига қўшиламан.

Қозоғистонлик дўстларимизнинг Оролни қутқариш халқаро жамғармасига самарали раислигини юксак баҳолаймиз. Ўзаро ишонч ва мулоқотни мустаҳкамлаш, Жамғарма доирасидаги лойиҳаларни амалга ошириш ва унинг фаолиятини минтақанинг барча мамлакатлари манфаатларини ҳисобга олган ҳолда такомиллаштириш бўйича салмоқли ишлар бажарилди.

Бугун қабул қилинаётган якуний ҳужжатларни қўллаб-қувватлаймиз. Уларнинг амалга оширилиши минтақавий ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш ва Орол денгизи ҳавзасида барқарор тараққиётни таъминлаш йўлида муҳим қадам бўлади.

Ҳурматли саммит иштирокчилари!

Оролни қутқариш халқаро жамғармаси мамлакатларимиз мустақиллигининг илк даврида Марказий Осиёдаги сув билан боғлиқ, ижтимоий-иқтисодий ва экологик соҳалардаги энг муҳим масалаларни ҳал этиш учун ташкил этилган ноёб минтақавий тузилма бўлиб қолмоқда.

Жамғарма минтақада сифат жиҳатдан янги давлатлараро муносабатларни қарор топтириш, минтақавий ҳамкорликни ривожлантириш ва мустаҳкамлашга катта ҳисса қўшди.

Йўлга қўйилган ўзаро ҳамкорлик тизими туфайли Жамғарма Орол денгизи ҳавзаси сув ресурсларини келишилган ҳолда бошқаришни таъминлашга эришди.

Марказий Осиёда сув тақчиллигининг кучайишига олиб келаётган иқлим ўзгаришлари ва сув истеъмоли кўпайиб бораётган шароитда Жамғарманинг роли ва аҳамияти янада ортиб бормоқда.

Экспертларнинг баҳоларига кўра, 2040 йилга бориб Орол денгизи ҳавзасида сув ресурслари тақчиллиги деярли икки баробар — йилига 20 миллиард кубометргача ошиши мумкин. Бу ичимлик суви таъминоти, экология, аграр сектор, энергетика ва ижтимоий барқарорлик учун қўшимча хавф-хатарларни юзага келтиради.

Шундай бир пайтда мамлакатларимиз сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлиги бўйича энг қуйи ўринларни эгаллаб турибди. Қишлоқ хўжалигида бир доллар миқдоридаги қўшилган қийматни яратиш учун давлатларимиз деярли уч кубометр сув сарф этмоқда, дунёда эса бу кўрсаткич ўртача икки баробар кам.

Минтақада юзага келаётган вазият биздан сув-энергетика ва экология соҳаларида пухта ўйланган ҳамда комплекс ечимларни биргаликда ишлаб чиқиш ва амалга оширишни талаб этади.

Ҳурматли ҳамкасблар!

Бугун эрталаб Минтақавий экологик саммитда Ўзбекистонда миллий иқтисодиётни иқлим ўзгаришига мослаштириш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилишни кучайтириш бўйича олиб борилаётган ишлар ҳақида айтиб ўтган эдим.

Ҳозир эса Жамғарманинг асосий устувор йўналишларидан бири бўлган сувдан фойдаланиш самарадорлигини ошириш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар ҳақида батафсил тўхталиб ўтишга ижозат бергайсиз.

Қисқа муддатда Ўзбекистондаги барча суғориладиган ерларнинг 60 фоизида сувни тежайдиган технологиялар жорий этилди, ирригация тармоқларини бетонлаш 40 фоизга етказилди. Насос станцияларини модернизация қилиш ҳисобига сув хўжалигида энергия истеъмоли қарийб 30 фоизга қисқартирилди. 600 мингдан ортиқ сувдан фойдаланувчилар ва 4 миллион гектардан зиёд суғориладиган ерларни қамраб оладиган ягона рақамли маълумотлар базаси шакллантирилмоқда.

Ушбу чора-тадбирларнинг амалга оширилиши туфайли ҳар йили 10 миллиард кубометрдан ортиқ сув ресурсларини тежаш таъминланмоқда. 2030 йилга бориб эса бу кўрсаткич 15 миллиард кубометрни ташкил этади. Мазкур чораларнинг барчаси комплекс ва изчил характерга эга бўлиб, ўтган йили қабул қилинган Сув кодексида ўз ифодасини топган.

Қадрли дўстлар!

Келгуси йилдан Оролни қутқариш халқаро жамғармасига раислик Ўзбекистонга ўтади.

Биз Жамғармани минтақавий интеграциянинг муҳим драйверларидан бирига айлантириш ниятидамиз.

Шу муносабат билан раислигимизнинг устувор йўналишлари ҳақида маълумот бериб ўтмоқчиман.

**Биринчи.** Жамғарманинг фаолиятини ривожлантириш ва модернизация қилиш.

Яратилган пойдевор асосида Жамғарманинг тузилмаси ва шартномавий-ҳуқуқий базасини такомиллаштиришни давом эттириш, унинг органлари ваколатларини аниқ тақсимлашни таъминлаш зарур.

Шу мақсадлар учун ташкил этилган минтақавий ишчи гуруҳи 15 та мажлис ўтказди. Жамғарма фаолиятидаги муаммолар таҳлил қилинди, унинг вазифа ва функциялари янада аниқ белгилаб олинди. Энди барча мамлакатлар манфаатларини ҳисобга олган ҳолда унинг тузилмаси, норматив-ҳуқуқий база ва молиялаштириш механизмларини келишиб олиш зарур.

(Давоми 2-бетда).

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ МИНТАҚАВИЙ ЭКОЛОГИК САММИТДАГИ НУТҚИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

**Учинчи.** Технологик ўтиш жараёнларини тезлаштириш учун "Марказий Осиё яшил савдо йўлаги"ни шакллантиришни таклиф этаман.

Имтиёзли божхона тартибларини жорий этиш ва экомаҳсулотлар учун сертификатларни ўзаро тан олиш ишлаб чиқаришни жадал модернизация қилиш ва маҳсулотларимизнинг рақобатбардошлигини ошириш имконини беради.

**Тўртинчи.** Марказий Осиё иқлим лойиҳаларининг ягона инвестиция портфелини яратиш кейинги қадам бўлиши керак.

Бу бизга тарқоқ ташаббуслар билан эмас, балки минтақани ривожлантириш бўйича яхлит стратегия билан ҳаракат қилиш имконини беради. Бу эса, ўз навбатида, уни амалга ошириш учун шерикларимизда қизиқишни кучайтиради.

**Бешинчи.** Марказий Осиё атроф-муҳитидаги ўзгаришларнинг ягона минтақавий атласини яратиш ҳам минтақамиз келажаги учун муҳим аҳамиятга эга.

Аминманки, бу атлас минтақадаги чўлланиш, тупроқ деградацияси жараёнлари ва сув ресурслари ҳолати динамикасини яққол ифода этадиган фундаментал илмий-таҳлилий базага айланади.

**Олтинчи.** Биологик хилмахилликни сақлаш учун "Марказий Осиё Қизил китоби"ни биргаликда ишлаб чиқишни таклиф этамиз. Халқаро табиатни муҳофаза қилиш иттифоқининг Тошкентдаги минтақавий офиси бу ишда мувофиқлаштирувчи бўлиши мумкин.

Минтақа "Қизил китоб"и йўқолиб бораётган турларнинг шунчаки рўйхатидан иборат бўлиб қолмасдан, соҳада ҳамкорликдаги ишимиз учун амалий платформага айланиши лозим.

**Еттинчи.** Иқлим кун тартиби ва экологик маданиятни илгари суриш учун экологик таълим ва ёшларни фаол жалб этиш жуда муҳим. Шу мақсадда Бокуда бўлиб ўтган СОР-29 анжумани давомида мамлакатларимиз ёшлари иштирокида Экология бўйича маслаҳат қўмитаси тузилган эди. Ушбу қўмита платформасида 2027 йилда Ўзбекистонда Бутунжаҳон ёшлар иқлим форумини ўтказишни таклиф этаман.

**Саккизинчи.** Экологик кун тартибини илгари суриш доирасида шу йилнинг 31 май — 5 июнь кунлари Самарқандда Глобал экологик фонднинг саккизинчи ассамблеяси, сентябрь ойи охирида эса Сувни тежаш бўйича Бутунжаҳон форуми бўлиб ўтади.

Сизларни ушбу халқаро анжуманларда фаол иштирок этишга таклиф этаман. Аминманки, уларнинг натижалари мамлакатларимиз ва бутун минтақанинг барқарор ривожланишига қаратилган амалий ташаббусларни рўёбга чиқаришга салмоқли ҳисса қўшади.

Ҳурматли саммит иштирокчилари!

Замонавий экологик таҳдидлар мамлакатларимиз барқарорлигини синовдан ўтказмоқда.

Бугун қабул қилинаётган ҳужжатларнинг ҳаётга тўлиқ татбиқ этилиши бизга нафақат табиатдаги кучайиб бораётган хавф-хатарларга самарали мослашиш, балки уларни технологик янгиланиш, иқтисодий ўсиш ва ижтимоий барқарорликнинг кучли омилига айлантириш имконини беради.

Ишончим комил, кўп асрлик яхши қўшничилик анъаналарига таянган ва қатъий сиёсий иродамизни намоён этган ҳолда, биз Марказий Осиёни экологик фаровонлик ва барқарор ривожланиш маконига айлантирамиз.

Эътиборингиз учун раҳмат.

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ОРОЛНИ ҚУТҚАРИШ ХАЛҚАРО ЖАМҒАРМАСИ ТАЪСИСЧИ ДАВЛАТЛАРИ РАҲБАРЛАРИ КЕНГАШИ МАЖЛИСИДАГИ НУТҚИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Жамғарма органларининг ваколатларини кенгайтириш, мақоми ва масъулиятини ошириш бўйича таклифларни қўллаб-қувватлаймиз. Ишончим комилки, ушбу масалаларнинг барчаси бўйича оқилона муросага келамиз.

Қардош Қирғиз Республикасининг Оролни қутқариш халқаро жамғармаси фаолиятидаги тўлақонли иштироки қайта тикланишига чин дилдан умид қиламиз. Бу Жамғарманинг янада мутаносиб ва узоқ муддатли қарорлар қабул қилишига хизмат қилади.

**Иккинчи.** Жамғарма кун тартибини Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Маслаҳат учрашувлари қарорлари билан уйғунлаштириш.

Маслаҳат учрашувлари минтақавий ривожланишнинг асосий сиёсий йўналишларини шакллантирмоқда. Шу боис мазкур саммитлар қарорлари ва Жамғарма фаолияти ўртасида яқин алоқани таъминлаш муҳимдир.

Бу каби учрашувлар давомида олий даражада келишилган барқарор ривожланишнинг устувор йўналишлари Жамғарманинг тармоқ механизмлари орқали ҳам амалиётга татбиқ этилиши мумкин.

**Учинчи.** Жамғарма дастур ва лойиҳалари самарадорлигини ошириш.

Орол денгизи ҳавзаси бўйича тўртинчи дастур доирасида 34 та минтақавий лойиҳани амалга ошириш кўзда тутилган. Афсуски, бугунги кунга қадар унинг натижадорлигини баҳолаш бўйича ягона ёндашув ишлаб чиқилмаган.

Шу муносабат билан биз дастур ижроси мониторингига самарадорликнинг ҳал қилувчи индикаторларини киритишни таклиф этамиз. Бу ижобий ўзгаришларни кузатиш, муаммоли жиҳатларни аниқлаш ҳамда халқаро ҳамкорлардан қўшимча маблағ ва техник кўмак жалб этишга ёрдам беради.

**Тўртинчи.** Жамғарманинг устувор дастурлари учун мавжуд таъсирчан молиялаштириш воситаларидан фойдаланиш.

Масалан, БМТнинг Оролбўйи минтақаси учун Инсон хавфсизлиги бўйича кўп шериклик траст фонди платформасидан фойдаланишни таклиф этамиз. У молиявий ресурсларни жамлаш ҳамда улардан самарали фойдаланиш бўйича муваффақиятли тажрибага эга.

Биз Траст фондининг мандати ва географик қамровини биргаликда бутун Орол денгизи ҳавзасига кенгайтириш имкониятини кўриб чиқишимиз мумкин. Бу барча давлатлар ҳудудида ҳаётий муҳим экологик ва ижтимоий-иқтисодий лойиҳаларни амалга ошириш учун мақсадли инвестицияларни йўналтириш имконини беради.

**Бешинчи.** Жамғарма ва бошқа минтақавий тузилмалар ўртасида фаол ҳамкорликни йўлга қўйиш.

Оролни қутқариш халқаро жамғармаси сув-энергетика масалалари, музликлар ва тоғ экотизимларини сақлаш, иқлим ўзгаришига мослашиш, чўлланишга қарши курашиш бўйича самарали минтақавий платформалар билан амалий ҳамкорликни йўлга қўйиши зарур. Хусусан, Жамғармага Тошкентдаги Яшил университет қошидаги Чўлланишга қарши курашиш маркази билан ҳамкорликда мақсадли лойиҳаларни амалга оширишни таклиф этамиз.

**Олтинчи.** Халқларимизнинг сувга ҳаёт манбаи сифатида эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш борасидаги кўп асрлик анъаналарини қайта тиклаш.

Кўриниб турибдики, агар жамиятнинг сувга бўлган муносабати ўзгармаса, ҳеч қандай муҳандислик ечимлари кутилган самарани бермайди.

Узлуксиз таълим тизими орқали — мактабгача таълим даражасидан то мутахассисларни тайёрлашгача — сувдан оқилона фойдаланишни ҳар бир кишининг кундалик одатига, умумий маданий кодимизга айлантиришга интилишимиз лозим.

Биз асосий қисми фермерлар ва саноатчиларни сувни тежовчи замонавий технологиялардан фойдаланишга амалий жиҳатдан ўргатадиган "Келажак суви" минтақавий дастурини ишга туширишни таклиф этамиз.

Шуни таъкидламоқчиман: ушбу устувор йўналишларнинг барчасини ҳаётга татбиқ этиш учун халқаро шериклар, молия институтлари ва эксперт-таҳлилий тузилмалар билан фаол ҳамкорлик қилишга тайёрмиз.

Афғонистон билан конструктив ҳамкорликни мустаҳкамлаш, уни иқлим, экология, қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича минтақавий ҳамкорликка жалб этиш муҳимлигига алоҳида эътибор қаратмоқчиман.

Бугунги кунда Афғонистонда қирғоқларни мустаҳкамлаш ва мелиорация ишларини олиб бориш учун халқаро донорларнинг молиявий маблағларини жалб этиш долзарбдир.

Истиқболда Орол ҳавзасидаги барча мамлакатлар, шу жумладан, Афғонистоннинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини ҳисобга олган ҳолда сув ресурсларини тақсимлаш бўйича минтақавий шартномавий-ҳуқуқий базани шакллантириш зарур.

Ҳурматли ҳамкасблар!

Жамғармага раислик эстафетасини қабул қилар эканмиз, минтақамиз учун алоҳида долзарблик касб этаётган сув-энергетика ва экологик кун тартибини амалга ошириш борасидаги ишларни Марказий Осиёнинг барча давлатлари билан биргаликда фаоллаштиришимиз лозимлигини таъкидламоқчиман.

Шу муносабат билан 2026 — 2036 йилларни "Марказий Осиёда сувдан оқилона фойдаланиш бўйича амалий ҳаракатлар ўн йиллиги" деб эълон қилиш ва минтақа мамлакатларида Сув ҳафталикларини мунтазам ўтказиб боришга қаратилган ташаббусларимизни амалга оширишда қўллаб-қувватлашингизга умид қиламан.

Барчангизни жорий йилнинг сентябрь ойи охирида Самарқандда бўлиб ўтадиган Сувни тежаш бўйича Бутунжаҳон форумида қутлашдан мамнун бўламан.

Эътиборингиз учун раҳмат.

# ИҚЛИМ ЎЗГАРИШЛАРИГА ҚАРШИ КУРАШ ЙЎЛИДАГИ ҲАМЖИҲАТЛИК

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

— Глобал исиш суръатларининг тезлашиши давом этмоқда, Марказий Осиё минтақасида эса ҳарорат икки баробар тезроқ кўтарилмоқда. Минтақа музликларининг қарийб учдан бир қисми йўқолди, ёғингарчилик тартибининг беқарорлиги кузатилмоқда, сув ресурслари танқислиги ортиб бормоқда. Ер майдонларининг 80 миллион гектари аллақачон деградацияга учради, — деди давлатимиз раҳбари.

Глобал экологик бирдамлик заифлашаётганидан чуқур хавотир билдирилди. Ривожланаётган мамлакатлар иқлим ўзгариши билан боғлиқ молиялаштириш, илғор технологиялар ва инновациялардан ўз вақтида ва адолатли фойдаланиш имконияти билан таъминланиши муҳимлиги таъкидланди.

Марказий Осиё давлатлари атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалаларини минтақавий ҳамкорликнинг энг муҳим устувор йўналиши даражасига кўтаришга муваффақ бўлгани мамнуният билан қайд этилди.

Буни "яшил" кун тартибини илгари суриш, иқлим ўзгаришига мослашиш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича бир қатор муҳим, стратегик аҳамиятга эга минтақавий дастурларнинг қабул қилингани ҳам тасдиқламоқда.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистонда экологик барқарорликни таъминлаш бўйича кўрилаётган тизимли чора-тадбирларга алоҳида тўхталиб ўтди.

— "Яшил макон" лойиҳаси доирасида қарийб 1 миллиард туп дарахт ва бута экилди. Орол денгизининг қуриган тубида 2 миллион гектардан ортиқ майдонда ўрмонзорлар барпо этилиб, янги "яшил белбоғ"лар яратилмоқда. Бизнинг ташаббусимиз билан БМТ Бош Ассамблеясининг "Ўрмонлаштириш ва ўрмонларни тиклаш бўйича ҳаракатлар ўн йиллиги" резолюцияси қабул қилинди, — деди Ўзбекистон етакчиси.

Бундан ташқари, сувни тежаш борасидаги кенг кўламли саъй-ҳаракатлар натижасида йилига 10 миллиард кубометр сув иқтисод қилинмоқда. Мамлакатимизнинг генерация қувватларида "яшил" энергетика улуши аллақачон 30 фоизга етди, 2030 йилнинг охирига бориб эса 50 фоиздан ошади.

Париж битими бўйича зарарли чиқиндиларни 35 фоизга камайтириш мажбурияти муддатидан олдин бажарилиб, 2035 йилгача уларни икки баробар қисқартириш бўйича янги марра белгиланди.

Чиқиндилардан энергия ишлаб чиқаришга оид лойиҳалар фаол амалга оширилмоқда. Жорий йилда чиқиндиларни ёқиш бўйича иккита янги завод ишга туширилади, яна 9 таси эса келгуси икки йил давомида фаолиятини бошлайди. Уларнинг ишга туширилиши ҳар йили 5,5 миллион тонна чиқиндини утилизация қилиш, 2,2 миллиард киловатт-соат электр энергияси ишлаб чиқариш, шунингдек, чиқиндилар ҳажмини 1 миллион тоннадан ортиққа қисқартириш имконини беради.

Давлатимиз раҳбари ўз нутқида Марказий Осиёдаги иқлим ва экология муаммоларини ҳал қилиш бўйича бир қатор аниқ ташаббусларни илгари сурди.

Атмосфера ҳавосининг сифати ёмонлашаётган шароитда "Марказий Осиёнинг тоза ҳавоси" давлатлараро консорциумини таъсис этиш таклифи билдирилди. Консорциум саноатни модернизация қилиб, ҳавога чиқарилаётган зарарли моддалар учун тозалаш тизимларини жорий этадиган "яшил" молиялаштиришнинг қўшма операторига айланиши мумкин.

Президентимиз Тошкентдаги Яшил университет ҳузурида фаолият юритаётган Чўлланишга қарши курашиш, қурғоқчиликнинг олдини олиш ҳамда қум ва чанг бўронлари ҳақида барвақт огоҳлантириш марказига минтақавий мақом бериш муҳимлигини таъкидлади. Марказ базасида илмий салоҳиятни бирлаштириш ерларнинг деградацияси ҳамда туз ва чангли бўронларни мониторинг қилиш бўйича кучли тизимни яратиш имконини бериши таъкидланди.

Технологик ўтиш жараёнларини тезлаштириш учун имтиёзли божхона тартиблари ва экомаҳсулотлар учун сертификатларни ўзаро тан олишни назарда тутувчи "Марказий Осиё яшил савдо йўлаги"ни шакллантириш ташаббуси илгари сурилди.

Марказий Осиё иқлим лойиҳаларининг ягона инвестиция портфелини яратиш долзарб масала эканлиги қайд этилди. Бу минтақани ривожлантириш бўйича яхлит стратегия билан ҳаракат қилиш имконини яратиб, шерикларда уни амалга оширишга бўлган қизиқишни кучайтиради.

Марказий Осиё атроф-муҳитидаги ўзгаришларнинг ягона минтақавий атласи яратилиши минтақадаги чўлланиш, тупроқ деградацияси жараёнлари ва сув ресурслари ҳолати динамикасини яққол ифода этадиган фундаментал илмий-таҳлилий базага айланиши мумкин.

Биологик хилмахилликни сақлаш учун "Марказий Осиё Қизил китоби"ни ишлаб чиқиш, бу жараёнда Халқаро табиатни муҳофаза қилиш иттифоқининг Тошкентдаги минтақавий офисини мувофиқлаштирувчи сифатида белгилаш таклиф қилинди.

Ёшлар орасида иқлим кун тартиби ва экологик маданиятни илгари суриш учун 2027 йилда Ўзбекистонда Бутунжаҳон ёшлар иқлим форумини ўтказишга тайёрлик билдирилди.

Давлатимиз раҳбари сўзининг якунида тадбир иштирокчиларини шу йил Самарқандда бўлиб ўтадиган Глобал экологик фонднинг саккизинчи ассамблеяси ва Сувни тежаш бўйича Бутунжаҳон форумида иштирок этишга таклиф этди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Остона шаҳрида ўтаётган Минтақавий экологик саммит доирасида БМТнинг Атроф-муҳит бўйича дастури ижрочи директори Ингер Андерсен билан мулоқот қилди.

Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, барқарор ривожланиш ва иқлим муаммоларига қарши курашиш соҳасидаги ҳамкорликнинг асосий йўналишлари кўриб чиқилди.

Ўзаро ҳамкорлик, шу жумладан, миллий экологик маърузаларни тайёрлаш, атроф-муҳит мониторинги тизимини такомиллаштириш ва институционал салоҳиятни мустаҳкамлаш масалаларида изчил ривожланиб бораётгани қайд этилди.

Ижрочи директор Ўзбекистонда амалга оширилаётган "Яшил макон", "Биомерос", "Тоза ҳаво," "Чиқиндисиз ҳудуд" ва "Экомаданият" каби миллий лойиҳаларни юқори баҳолади. Уларнинг экологик барқарорликни таъминлаш ва аҳоли турмуш сифатини оширишдаги аҳамияти қайд этилди.

Ингер Андерсен, шунингдек, Ўзбекистон Президентининг бугунги саммитда илгари сурилган ташаббусларини рўёбга чиқариш бўйича амалий шерикликни кенгайтиришга тайёрлигини билдирди.

Сўнг Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Оролни қутқариш халқаро жамғармаси (ОҚХЖ) таъсисчи давлатлари раҳбарлари кенгашининг навбатдаги йиғилишида иштирок этди.

Қозоғистон Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев раислигида ўтган тадбирда Қирғизистон Президенти Садир Жапаров, Тожикистон Президенти Эмомали Раҳмон, Туркманистон Президенти Сердар Бердимуҳамедов ва ОҚХЖнинг Ижроия қўмитаси раиси Асхат Оразбай ҳам қатнашди.

Кун тартибига мувофиқ, Қозоғистоннинг 2023 — 2026 йилларда ОҚХЖга раислигининг натижалари сарҳисоб қилиниб, Орол денгизи ҳавзасида экология, сув ресурсларини бошқариш ва ижтимоий-иқтисодий ҳолатни яхшилашнинг долзарб масалалари юзасидан фикр алмашилди.

Ўзбекистон Президенти ўз нутқида Оролни қутқариш халқаро жамғармаси ноёб минтақавий тузилма сифатида фаолият юритиб келаётганини, Марказий Осиёда сув тақчиллигининг кучайишига сабаб бўлаётган иқлим ўзгаришлари ва сув истеъмоли кўпайиб бораётган шароитда унинг роли ва аҳамияти янада ортаётганини таъкидлади.

— Экспертларнинг баҳоларига кўра, 2040 йилга бориб Орол денгизи ҳавзасида сув ресурслари тақчиллиги деярли икки баробар — йилига 20 миллиард кубометргача ошиши мумкин. Бу ичимлик суви таъминоти, экология, аграр сектор, энергетика ва ижтимоий барқарорлик учун қўшимча хавф-хатарларни юзага келтиради, — деди Шавкат Мирзиёев.

Шундай бир пайтда минтақа мамлакатлари сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлиги бўйича энг қуйи ўринларни эгаллаб турибди. Қишлоқ хўжалигида бир доллар миқдоридаги қўшилган қийматни яратиш учун мамлакатларимиз деярли уч кубометр сув сарф этмоқда, дунёда эса бу кўрсаткич ўртача икки баробар кам.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистонда сувдан фойдаланиш самарадорлигини ошириш бўйича кўрилаётган чора-тадбирларга батафсил тўхталиб ўтди. Қисқа муддатда Ўзбекистондаги барча суғориладиган ерларнинг 60 фоизида сувни тежайдиган технологиялар жорий этилди, ирригация тармоқларини бетонлаш 40 фоизга етказилди. Насос станцияларини модернизация қилиш ҳисобига сув хўжалигида энергия истеъмоли қарийб 30 фоизга қисқартирилди.

Олти юз мингдан ортиқ сувдан фойдаланувчилар ва 4 миллион гектардан зиёд суғориладиган ерларни қамраб оладиган ягона рақамли маълумотлар базаси шакллантирилмоқда.

Мазкур лойиҳалар амалга оширилиши туфайли ҳар йили 10 миллиард кубометрдан ортиқ сув ресурсларини тежаш таъминланмоқда. 2030 йилга бориб эса бу кўрсаткич 15 миллиард кубометрни ташкил этади.

Ушбу чора-тадбирларнинг барчаси комплекс ва изчил характерга эга бўлиб, ўтган йили қабул қилинган Сув кодексида ўз ифодасини топган.

Мамлакатимиз етакчиси Ўзбекистон жамғармани минтақавий интеграциянинг муҳим драйверларидан бирига айлантиришга эришишни мақсад қилганини билдирди. Шу муносабат билан Ўзбекистоннинг келгуси йилдан бошланадиган ОҚХЖга раислиги давридаги устувор йўналишларга тўхталиб ўтди.

Аввало, жамғарманинг фаолиятини ривожлантириш ва модернизация қилиш, унинг тузилмаси ҳамда шартномавий-ҳуқуқий базасини такомиллаштириш зарурлиги қайд этилди. Жамғарма органларининг ваколатларини кенгайтириш, уларнинг мақоми ва масъулиятини ошириш бўйича таклифлар қўллаб-қувватланди.

Қирғизистоннинг Оролни қутқариш халқаро жамғармаси фаолиятидаги тўлақонли иштироки қайта тикланишига умид билдирилди. Бу жамғарманинг янада мутаносиб ва узоқ муддатли қарорлар қабул қилишига хизмат қилиши таъкидланди.

Ўзбекистон етакчиси ОҚХЖ кун тартибини Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Маслаҳат учрашувлари қарорлари билан уйғунлаштиришга чақирди. Маслаҳат учрашувлари давомида олий даражада келишилган барқарор ривожланишнинг устувор йўналишлари жамғарманинг тармоқ механизмлари орқали ҳам амалиётга татбиқ этилиши мумкинлиги таъкидланди.

Жамғарма дастур ва лойиҳалари самарадорлигини ошириш муҳимлиги қайд этилди. Шу муносабат билан Орол денгизи ҳавзаси бўйича тўртинчи дастур ижроси мониторингига самарадорликнинг муҳим кўрсаткичларини киритиш таклиф қилинди. Бу ижобий ўзгаришларни кузатиш, муаммоли жиҳатларни аниқлаш ҳамда халқаро ҳамкорлардан қўшимча маблағлар ва техник кўмак жалб этишга ёрдам беради.

Устувор дастурлар учун мавжуд таъсирчан молиялаштириш воситаларидан фойдаланиш зарурлиги таъкидланди. Хусусан, БМТнинг Оролбўйи минтақаси учун Инсон хавфсизлиги бўйича кўп шериклик траст фондининг мандати ва географик қамровини бутун Орол денгизи ҳавзасига кенгайтириш имкониятини кўриб чиқиш таклифи билдирилди.

— Бу барча давлатларимиз ҳудудида ҳаётий муҳим экологик ва ижтимоий-иқтисодий лойиҳаларни амалга ошириш учун мақсадли инвестицияларни йўналтириш имконини беради, — деди Шавкат Мирзиёев.

ОҚХЖ ва бошқа минтақавий тузилмалар ўртасида фаол ҳамкорликни йўлга қўйиш масаласининг долзарблигига урғу берилди. Жамғарма сув-энергетика масалалари, музликлар ва тоғ экотизимларини сақлаш, иқлим ўзгаришига мослашиш, чўлланишга қарши курашиш бўйича самарали минтақавий платформалар билан амалий ҳамкорликни йўлга қўйиши зарур. Бунга мисол сифатида жамғармага Тошкентдаги Яшил университет қошидаги Чўлланишга қарши курашиш маркази билан ҳамкорликда мақсадли лойиҳаларни амалга ошириш таклиф этилди.

Ўзбекистон Президенти халқларимизнинг сувга ҳаёт манбаи сифатида эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш борасидаги кўп асрлик анъаналарини қайта тиклаш заруратига алоҳида эътибор қаратди.

— Кўриниб турибдики, агар жамиятнинг сувга бўлган муносабати ўзгармаса, ҳеч қандай муҳандислик ечимлари кутилган самарани бермайди. Узлуксиз таълим тизими орқали — мактабгача таълим даражасидан то мутахассисларни тайёрлашгача — сувдан оқилона фойдаланишни ҳар бир кишининг кундалик одатига, умумий маданий кодимизга айлантиришга интилишимиз лозим, — деди давлатимиз раҳбари.

Шунингдек, асосий қисми фермерлар ва саноатчиларни сувни тежовчи замонавий технологиялардан фойдаланишга амалий жиҳатдан ўргатадиган "Келажак суви" минтақавий дастурини ишга тушириш таклиф этилди.

Ўзбекистон етакчиси Афғонистон билан конструктив ҳамкорликни мустаҳкамлаш ва уни иқлим, экология, қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича минтақавий ҳамкорликка жалб этиш муҳимлигини таъкидлади. Бугунги кунда Афғонистонда қирғоқларни мустаҳкамлаш ва мелиорация ишларини олиб бориш учун халқаро донорларнинг молиявий маблағларини жалб этиш долзарбдир.

Истиқболда Орол ҳавзасидаги барча мамлакатлар, шу жумладан, Афғонистоннинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини ҳисобга олган ҳолда сув ресурсларини тақсимлаш бўйича минтақавий шартномавий-ҳуқуқий базани шакллантириш зарур.

Давлатимиз раҳбари сўзининг якунида 2026 — 2036 йилларни "Марказий Осиёда сувдан оқилона фойдаланиш бўйича амалий ҳаракатлар ўн йиллиги" деб эълон қилиш ва минтақа мамлакатларида Сув ҳафталикларини мунтазам ўтказиб боришга қаратилган ташаббуслар амалга оширилишининг қўллаб-қувватланишига умид билдирди.

Ўзбекистон Президенти қўшни мамлакатлар етакчиларини шу йилнинг сентябрь ойида Самарқандда бўлиб ўтадиган Сувни тежаш бўйича Бутунжаҳон форумида иштирок этишга яна бир бор таклиф этди.

ОҚХЖ йиғилишида Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Туркманистон раҳбарлари ҳам сўзга чиқдилар.

Тадбир якунида етакчилар Остона баёнотини, Қозоғистон раислигининг бориши тўғрисида, 26 мартни Халқаро Орол денгизи, Амударё ҳамда Сирдарё куни деб эълон қилиш тўғрисида ҳамда Ўзбекистон етакчисини 2027 — 2029 йилларда жамғарма президенти этиб сайлаш тўғрисидаги қарорларни имзоладилар.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Қозоғистонга амалий ташрифи якунланди.

**ЎзА.**

## Учрашув



## Конструктив характерга эга ҳамкорлик

*Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева Словения Республикаси Аудит суди раиси Яна Ахчин билан учрашди.*

Унда икки томонлама, жумладан, давлат молиявий назорати соҳасидаги ҳамкорликнинг долзарб масалалари кўриб чиқилди.

Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси ва Словения Аудит суди ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантириш, шунингдек, давлат аудити бўйича илғор тажриба ва амалиётларни алмашиш муҳимлиги таъкидланди.

Мулоқот чоғида икки мамлакат ўртасидаги парламентлараро ҳамкорликка алоҳида эътибор қаратилди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ва Словения Республикаси Миллий кенгаши ўртасидаги ҳамкорлик тизимли ва конструктив характерга эга экани таъкидланди. Парламент делегациялари ташрифларини фаоллаштириш, дастурлар ижроси устидан таъсирчан парламент назоратини кучайтириш ҳамда бу борада ўзаро тажриба алмашиш масалалари муҳокама қилинди.

Учрашув якунида томонлар барча йўналишларда амалий ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш ва ривожлантиришдан ўзаро манфаатдорлигини билдирди.

**Олий Мажлис Сенати Ахборот хизмати.**

**Янги таҳрирдаги «Масъулияти чекланган жамиятлар тўғрисида»ги Қонун қабул қилинди.**

# Барқарор келажак пойдеври

*Экологик барқарорликни таъминлаш дунё давлатлари олдида турган энг долзарб масалалардан биридир. Президентимизнинг Минтақавий экологик саммитдаги нутқи айнан шу нуқтаи назардан нафақат мамлакатимиз, балки бутун Марказий Осиё учун стратегик аҳамиятга эга дастурий ҳужжат сифатида намоён бўлди. Зеро, унда таъкидланганидек, бугунги кунда экологик муаммоларни глобал иқлим ўзгаришларидан айри ҳолда тасаввур қилиб бўлмайди.*

## Муносабат

Дарҳақиқат, глобал исиш жараёнлари жадаллашиб бораётган бир пайтда Марказий Осиё минтақасида ҳароратнинг икки баробар тез ўсиши, музликлар ҳажмининг қисқариши, сув ресурслари танқислигининг ортиши каби ҳолатлар минтақа хавфсизлигига жиддий таҳдид солмоқда. Бу эса масалага фақат миллий эмас, балки минтақавий ва глобал ёндашув зарурлигини кўрсатади. Шу маънода, “Барқарор келажак учун умумий нигоҳ” ғоясининг илгари сурилиши замон талабига ҳамоҳанг, чуқур ўйланган ташаббусдир. Чунки экологик хавф-хатарлар чегара билмайди. Уларга қарши курашиш эса фақат ҳамжиҳатлик ва ўзаро ишонч асосида амалга оширилиши мумкин.

Глобал экологик бирдамликнинг заифлашаётгани жаҳон ҳамжамияти учун жиддий сигналдир. Айниқса, иқлим ўзгаришларига энг кам ҳисса қўшаётган ривожланаётган давлатларнинг унинг оқибатларидан кўпроқ жабр кўраётгани адолат тамойилларига зид. Шу нуқтаи назардан, молиялаштириш, технологиялар ва инновацияларга тенг ва тўсиқсиз кириш имкониятини таъминлаш халқаро ҳамкорликнинг асосий мезони бўлиши лозим.

Марказий Осиё давлатларининг сўнгги йилларда экологик дипломатия борасидаги фаоллиги эътиборга молик. “Яшил кун тартиби”, иқлимга мослашиш стратегиялари ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича дастурлар — бугунги кунда минтақада шаклланаётган янги экологик сиёсатнинг амалий ифодаси. Бу эса минтақа давлатларининг умумий мақсад йўлида бирлашиб ҳаракат қилаётганини кўрсатади.



Хусусан, Ўзбекистоннинг экологик барқарорликни таъминлаш борасида амалга ошираётган ишлари таҳсинга сазовор. “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида миллионлаб дарахт кўчатлари экилиши, Оролбўйида кенг кўламли ўрмонлаштириш ишлари, сув ресурсларини тежаш бўйича эришилаётган натижалар — буларнинг барчаси мамлакатимизда экологик сиёсат изчил ва тизимли амалга оширилаётганидан далолат беради.

Айниқса, қайта тикланувчи энергия манбалари улушининг ортиб бораётгани, чиқиндиларни қайта ишлаш ва улардан энергия ишлаб чиқариш бўйича лойиҳаларнинг амалга оширилаётгани иқтисодий ўсиш билан экологик мувозанатни уйғунлаштиришга қаратилган муҳим қадамлардир. Бу эса “яшил” иқтисодиётга ўтиш йўлидаги аниқ натижалар ҳисобланади.

Президентимиз илгари сурган ташаббуслар эса ўзининг аниқлиги ва амалий аҳамияти билан ажралиб туради. Жумладан, “Марказий Осиёнинг тоза ҳавоси” консорциумига асос солиш таклифи аҳоли саломатлигини муҳофаза этиш билан бирга саноатни модернизациялашга ҳам хизмат қилади. Бу ташаббус келгусида “яшил” технологияларни кенг жорий этиш учун муҳим платформа бўлиши мумкин.

Шунингдек, чўлланиш ва қурғоқчиликка қарши курашиш марказига минтақавий мақом бериш, “яшил савдо йўлаги”ни яратиш, ягона инвестиция портфелини шакллантириш каби таклифлар — иқтисодий ва экологик манфаатларни уйғунлаштиришга қаратилган стратегик ёндашув.

Экологик атлас ва “Марказий Осиё Қизил китоби”ни яратиш ташаббуслари эса илмий-таҳлилий асосни мустаҳкамлашга хизмат қилади. Бу орқали минтақадаги экологик ўзгаришларни чуқур ўрганиш ва самарали чора-тадбирлар ишлаб чиқиш имконияти кенгаяди.

Ёшларни экологик жараёнларга жалб этиш масаласига алоҳида эътибор қаратилиши ҳам жуда муҳим. Зеро, келажак айнан ёшлар қўлида. Уларнинг экологик маданиятини ошириш — барқарор ривожланишнинг асосий кафолатларидан бири.

Экологик таҳдидлар инсоният олдидаги энг катта синовлардан бирига айланмоқда. Ана шундай мураккаб шароитда Марказий Осиё давлатларининг бирлашиб ҳаракат қилиши нафақат зарурат, балки келажак олдидаги масъулиятдир. Кўп асрлик яхши қўшничилик анъаналари, ўзаро ишонч ва қатъий сиёсий ирода асосида ушбу мақсадларга, албатта, эришамиз. Марказий Осиё эса нафақат географик, балки экологик барқарорлик ҳамда “яшил” тараққиёт намунасига айланади.

**Абдулҳаким ЭШМУРАТОВ,**
**Олий Мажлис Сенатининг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитаси раиси.**

# ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ ТАКОМИЛЛАШТИРИЛМОҚДА

*Олий Мажлис Сенатининг Бюджет ва иқтисодий масалалар қўмитаси мажлисида норма ижодкорлиги фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштиришга қаратилган “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш, шунингдек, айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида”ги қонун дастлабки тарзда кўриб чиқилди.*

## Сенат қўмитасида

Муҳокама жараёнида қайд этилганидек, Истиқболли кадрларни тайёрлаш бўйича “Эл-юрт умиди” жамғармаси томонидан стипендиатлар учун сарфланган ўқитиш харажатларини ундириш механизмларини такомиллаштириш, шунингдек, вазирликлар ва идораларнинг буйруқлари ҳамда қарорларини ҳуқуқий экспертиза ва давлат рўйхатидан ўтказиш муддатларини қайта кўриб чиқиш зарурати юзага келган.

Мазкур қонун билан киритилаётган ўзгартиришларга кўра, “Эл-юрт умиди” жамғармаси стипендиат учун сарфлаган ўқитиш харажатларини ундириш юзасидан судларга киритган даъволари бўйича давлат божини тўлашдан озод қилинади. Вазирликлар ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини ҳуқуқий экспертиза ҳамда давлат рўйхатидан ўтказиш муддатлари қисқартирилиши назарда тутилмоқда.

Бундан ташқари, ярим-тайёр заргарлик буюмларини реализация қилиш билан боғлиқ жараёнларни такомиллаштириш, экспортга доир қонунчиликни ЖСТ битимларига уйғунлаштириш лозимлиги хусусида фикр билдирилди.

Муҳокама чоғида ҳуқуқни қўллаш амалиётига таъсир этмайдиган ёки ўз аҳамиятини йўқотган нормаларни бекор қилиш орқали қонунчилик базасини ихчамлаштириш талаб этилаётгани айтилди. Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатлари ўз кучини йўқотган деб топиляпти.

Қўмита аъзолари ушбу қонун “Эл-юрт умиди” жамғармаси томонидан сарфланган маблағларни ўз вақтида бюджетга қайтариш механизмларини, шунингдек, норма ижодкорлиги фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштиришга, маҳаллий заргарлик буюмлари ишлаб чиқарувчиларини янада қўллаб-қувватлашга, бундай маҳсулотларнинг экспорт ҳажмини оширишга ва қонунчилик базасини ихчамлаштиришга хизмат қилишини таъкидлади.

Муҳокама якунида қўмитанинг тегишли қарори қабул қилинди.

## Онлайн мулоқот

# Ўзаро манфаатли алоқалар кенгаяди

*Олий Мажлис Сенатининг Ёшлар, хотин-қизлар, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси Орзигул Қозихонова Бирлашган Араб Амирликларининг Рақобатбардошлик ва статистика федерал маркази директори Ҳанан Аҳлий билан учрашди.*

Онлайн мулоқот давомида гендер статистикаси тизимини такомиллаштириш, шунингдек, таҳлил йўналишларида илғор тажриба алмашиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Томонлар гендер таҳлил тизимини кучайтириш мақсадида рақамли статистика ва “big data” технологияларини жорий этиш, БАА экспертлари иштирокида тренинг ва семинарлар ташкил қилиш, шунингдек, илмий-тадқиқот муассасалари иштирокида қўшма тадқиқотлар олиб бориш каби устувор йўналишларда ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилган қатор таклифларни илгари сурди.

Учрашув якунида ҳар икки томон ҳам гендер статистикасини такомиллаштириш, илғор тажрибалар асосида ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада кенгайтиришга тайёр эканини билдирди.

# ЁШЛАР МАСАЛАЛАРИ ЭЪТИБОРДА

*Олий Мажлис Сенатининг Халқаро муносабатлар, ташқи иқтисодий алоқалар, хорижий инвестициялар ва туризм масалалари қўмитаси Ёшлар парламенти аъзолари билан учрашув ташкил қилди.*

## Муҳокама

Унда Ёшлар парламентининг халқаро ҳамкорлик йўналишидаги фаолияти, амалга оширилаётган лойиҳалар ва истиқболдаги режалар муҳокама қилинди.

Таъкидландики, бугунги кунда Ёшлар парламенти МДҲ давлатлари ва халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни ривожлантириб, тажриба алмашяпти, таълим дастурлари ва қўшма лойиҳаларни амалга оширмоқда. Шу жиҳатдан, хориждаги ватандош ёшлар билан мулоқотни кучайтириш, таклиф ва ташаббусларини инобатга олиб, уларни қонунчилик жараёнларига жалб этиш бўйича иш олиб борилаётгани эътиборга молик.

Учрашув якунида сенаторлар ёш авлоднинг халқаро ҳамкорликдаги иштирокини янада кенгайтириш, ёшлар дипломатиясини ривожлантириш, уларнинг қонунчилик жараёнидаги фаоллигини ошириш юзасидан тавсиялар билдиришди.

# Криминоген вазиятни яхшилаш ва коррупциянинг олдини олиш – асосий вазифа

*Олий Мажлис Сенатининг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитаси ҳамда халқ депутатлари Яшнобод тумани Кенгашининг қўшма мажлиси бўлиб ўтди.*

## Қўшма йиғилиш

Унда сенаторлар, Қонунчилик палатаси депутатлари, маҳаллий Кенгаш доимий комиссиялари аъзолари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, ҳудудий давлат органлари ва ташкилотлари раҳбарлари, маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари, фуқаролик жамияти институтлари вакиллари қатнашди.

Мажлисда Яшнобод туманида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва уларнинг профилактикаси, шунингдек, жамоат хавфсизлиги ҳамда коррупцияга қарши курашиш масалалари муҳокама марказида бўлди.

Қайд этилганидек, 2025 йил 5 март куни мамлакатимиз Президенти иштирокида ўтказилган Коррупцияга қарши курашиш бўйича миллий кенгаш ҳамда жорий йил 27 январда Тошкент шаҳрида хавфсиз муҳитни шакллантириш ҳамда жамоат хавфсизлигини самарали таъминлаш бўйича бўлиб ўтган йиғилишда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, профилактика, маиший коррупция ҳамда “яширин иқтисодиёт”га қарши курашиш борасида устувор вазифалар белгиланган эди.

Шунингдек, 2025 йил 26 декабрда Президентимизнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномасида ҳам ушбу масалага алоҳида урғу берилиб, коррупция давлат тараққиётига тўсиқ бўладиган, адолат ва қонун устуворлигини издан чиқарадиган жиддий таҳдид эканлиги, 2026 йилда бу иллатга қарши курашиш бўйича “фавқулодда ҳолат” эълон қилиниши таъкидланди.

Мазкур вазифалардан келиб чиқиб қўшма мажлисда туманда жиноятчилик ҳамда коррупциянинг олдини олиш, бозорларни рақамлаштириш, қурилиш соҳасида коррупцияга қарши курашиш, “яширин иқтисодиёт”ни қисқартириш, ҳуқуқий онг ва маданиятни оширишга алоҳида эътибор қаратилди.

Хусусан, Яшнобод тумани Ички ишлар органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси бошлиғи, туман прокурори ҳамда қатор ташкилотлар раҳбарларининг ахборотлари эшитилди.

Амалга оширилган ижобий ишлар билан биргаликда йўл қўйилган камчиликлар ҳам таъкидланиб, давлат органлари ва ташкилотларининг келгуси ишлари юзасидан тегишли вазифа ҳамда тавсиялар берилди.

Муҳокамалар якунида тегишли қарорлар қабул қилинди.

**«Халқ сўзи».**

## Акс садо

# АТРОФ-МУҲИТ МУҲОФАЗАСИГА МУШТАРАК ЁНДАШУВЛАР

*Марказий Осиёнинг экологик келажаги бугунги кунда минтақа давлатлари учун энг долзарб ва стратегик масалалардан бири бўлиб турибди. Шу нуқтаи назардан, давлатимиз раҳбарининг Қозоғистон Республикаси Президенти таклифига биноан Остона шаҳрига амалий ташрифи муҳим сиёсий воқелик бўлди, дейиш мумкин. Шунингдек, Президентимизнинг Минтақавий экологик саммитдаги иштироки минтақавий экологик ҳамкорликни янги босқичга кўтаришда долзарб аҳамият касб этди.*

*Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатларининг фикр-мулоҳазалари шу ҳақда.*

**Хайрулло ҒАФФОРОВ, Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари қўмитаси раиси:**



— Ўзбекистон ва Қозоғистон тарихий, маданий, иқтисодий жиҳатдан бир-бирига узвий боғланган қўшни мамлакатлардир. Икки давлат ўртасидаги ҳамкорлик бугунги кунда стратегик шериклик ва иттифоқчилик даражасига кўтарилиб, бутун минтақа ривожига ижобий таъсир кўрсатмоқда. Айниқса, глобал масалаларга биргаликда ечим изланаётгани эътиборга молик. Минтақавий экологик саммит бунга яққол мисол.

Давлатимиз раҳбари саммитдаги нутқида глобал иқлим ўзгаришлари ва минтақавий экологик муаммолар ўзаро чамбарчас боғлиқ эканини алоҳида таъкидлади. Музликлар эриши, сув танқислиги, ер деградацияси ва чўлланиш жараёнлари Марказий Осиё учун жиддий чақириқ бўлиб қолмоқда. Шу боис бу масалаларни алоҳида эмас, балки ягона ёндашув асосида ҳал этиш зарурлиги қайд этилди.

Айнан шу жиҳатдан Ўзбекистон томонидан илгари сурилаётган ташаббуслар ўзининг амалий натижалари билан эътиборга молик. “Марказий Осиё учун яшил кун тартиби”, иқлим ўзгаришига мослашиш стратегияси ва барқарор ривожланиш дастурлари минтақавий ҳамкорликни мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда. Шу билан бирга, “Марказий Осиё экологик бирдамлиги” декларацияси ҳамда 2030 йилгача мўлжалланган Ҳаракатлар дастури бу йўналишдаги ишларни тизимли равишда давом эттиришга шароит яратади.

Саммит нафақат мамлакатимиз, балки минтақа давлатларининг экологик хавфсизлиги ва барқарорлигини таъминлаш, аҳоли учун қулай атроф-муҳитни кафолатлаш, экологик инновацияларни жорий этиш, экологик тоза, энергия самарадор ҳамда ресурстежамкор лойиҳаларни амалга ошириш, “яшил” иқтисодиётни амалиётга кенг татбиқ этиш имконини беради.

Шу ўринда алоҳида таъкидлаш жоизки, экологик масалалар, атроф-муҳит муҳофазаси парламентнинг доимий эътиборида бўлиб, ушбу йўналишда кейинги йилларда бир қатор муҳим қонунлар қабул қилинди. Албатта, бу борадаги ишлар изчил давом этади.

**Ҳилола ЮСУПОВА, Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари қўмитаси аъзоси:**



— Президентимиз томонидан саммитда илгари сурилган ғоя ва ташаббуслар амалий мазмуни, тизимли ёндашуви ҳамда узоқ муддатли мақсадлари билан алоҳида аҳамиятга эга. Уларнинг марказида Марказий Осиёни экологик жиҳатдан барқарор ва яшил маконга айлантириш вазифаси туради.

Жумладан, “Марказий Осиёнинг тоза ҳавоси” давлатлараро консорциумини ташкил этиш, Чўлланишга қарши кураш марказига минтақавий мақом бериш, “яшил савдо йўлаги”ни шакллантириш ҳамда ягона инвестиция платформасини яратиш каби ташаббуслар экологик сиёсатни иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш билан уйғунлаштиришга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Биологик хилмахилликни сақлаш, қум ва чанг бўронларига қарши кураш, сув ресурсларини самарали бошқариш ҳамда экологик таълимни ривожлантиришга қаратилган таклифлар келажак авлод манфаатларига бевосита алоқадорлиги билан муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон томонидан амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар ҳам ушбу сиёсатнинг амалий ифодасидир. Орол денгизи ҳудудида миллионлаб гектар майдонда яшил қопламалар барпо этилиши, “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида улкан миқдорда дарахт кўчатлари экилиши, сув тежовчи технологияларни жорий этиш ва “яшил” энергетика улушини ошириш бўйича амалий натижаларга эришилмоқда.

Остона саммитида қабул қилинган қарорлар ва ҳужжатлар, жумладан, минтақавий экологик ҳамкорлик бўйича декларация ҳамда янги ҳаракатлар дастури Марказий Осиёнинг экологик сиёсатини институционал жиҳатдан мустаҳкамлашга хизмат қилади.

**Жавлонбек АБДУЛЛАЕВ, Қонунчилик палатаси депутати, Экологик партия фракцияси аъзоси:**



— Президентимизнинг Марказий Осиё давлатларини ягона экологик кун тартиби асосида ҳамкорликка чорлаган таклифлари минтақа учун долзарб ва ҳаётий масалаларни қамраган. Бу бежиз эмас. Чунки экологик масалалар бугун нафақат атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, балки аҳоли саломатлиги, иқтисодий барқарорлик ва келажак авлод манфаатлари билан ҳам чамбарчас боғлиқ. Шу боис экологик ташаббусларни қонунчилик асосида қўллаб-қувватлаш, “яшил” иқтисодиётга оид механизмларни такомиллаштириш ва экологик маданиятни ошириш парламент олдидаги муҳим вазифалардан биридир.

Давлатимиз раҳбари илгари сурган ягона инвестиция портфели, минтақавий экологик атлас ва “Марказий Осиё Қизил китоби” каби ташаббуслар илмий ёндашув ва амалий ҳамкорликни уйғунлаштиради. Бу эса экологик хавфларни камайтириш билан бирга, минтақанинг барқарор ривожланишига хизмат қилади.

Айниқса, ёшларни экологик жараёнларга фаол жалб этиш ва келгусида Ўзбекистонда Бутунжаҳон ёшлар иқлим форумни ўтказиш ташаббуси экологик онг ва масъулиятни кучайтиришда муҳим қадам бўлади. Бу нафақат бугунги, балки келажак авлод манфаатлари учун ҳам муҳим инвестициядир.

Ушбу ташаббуслар Марказий Осиё давлатларининг ҳаракатларини ягона, қудратли кучга бирлаштиради. Биз иқлим муаммоларини шунчаки тўсиқ деб эмас, балки замонавий технологиялар, янги иш ўринлари ва кучли иқтисодий моделга ўтиш учун “ўсиш нуқтаси” деб қабул қилишимиз шарт.

## Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

# СУД-ҲУҚУҚ ТИЗИМИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШГА ОИД ТАКЛИФЛАР ИЛГАРИ СУРИЛДИ

*Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси томонидан Янги Ўзбекистоннинг суд ислоҳотлари: маъмурий суд адолатли ва барқарор давлат бошқарувининг кафолати масалаларига бағишланган давра суҳбати ўтказилди.*



Унда Қонунчилик палатаси депутатлари, Олий суд судьялари, экспертлар, фуқаролик жамияти институтлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Кейинги йилларда мамлакатимизда судларнинг чинакам мустақиллигини таъминлаш, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, судьялар мақомини ошириш ҳамда процессуал қонунчиликни такомиллаштиришга қаратилган муҳим қонунлар қабул қилинди. Айниқса, маъмурий судларнинг ташкил этилиши давлат органлари фаолияти устидан самарали суд назоратини таъминлаш, фуқаро ва давлат ўртасида ҳуқуқий мувозанатни шакллантиришда тарихий қадам бўлди.

Давра суҳбатида парламент ва Олий суд ўртасидаги муносабатлар чинакам конструктив ҳамкорлик даражасига кўтарилгани алоҳида қайд этилди. Хусусан, Олий суд томонидан қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи асосида Қонунчилик палатасига 2024 йилда 8 та, 2025 йилда 7 та, 2026 йилнинг ўтган даврида эса 3 та қонун лойиҳаси киритилиб, қабул қилинди. Айни пайтда Қонунчилик палатасида муҳокама этилаётган “Судьялар ҳамжамияти органлари тўғрисида”ги қонун лойиҳаси ҳам алоҳида аҳамиятга эга экани таъкидланди.

Тадбир давомида депутатлар ва соҳа мутахассислари томонидан суд-ҳуқуқ тизимини янада такомиллаштириш, маъмурий одил судловни янги босқичга олиб чиқишга қаратилган қатор аниқ таклифлар илгари сурилди.

Жумладан, маъмурий судга ариза қабул қилинган вақтдан бошлаб, якуний қарор чиққунига қадар шикоятда айтилаётган давлат органи қарорининг ижросини автоматик равишда тўхтатиб туришни назарда тутувчи нормани киритиш, судьяларнинг ҳуқуқий, ижтимоий ва моддий кафолатларини мустаҳкамлаш ҳамда уларнинг дахлсизлигини таъминлашга қаратилган “Судьялар мақоми тўғрисида”ги ягона қонунни ишлаб чиқишни жадаллаштириш лозимлиги қайд этилди.

Шунингдек, судьялар иш юкламасини оптималлаштириш ва коррупцион хавфларни қисқартириш мақсадида суд тизимига, жумладан, қарорлар лойиҳаларини тайёрлаш жараёнига сунъий интеллект элементларини ёрдамчи восита сифатида жорий қилишга доир қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш таклиф этилди.

Муҳокамада суднинг фаол иштироки принципини кенгайтириш, кўп сонли фуқаролар ҳуқуқларини бир вақтда ҳимоя қилиш имконини берувчи жамоавий даъво институтини тўлақонли жорий этиш масалалари ҳам атрофлича кўриб чиқилди.

Тадбир якунида билдирилган таклифлар асосида маъмурий судлар фаолияти самарадорлигини янада ошириш, қонунчиликни такомиллаштиришга қаратилган тавсиялар ишлаб чиқилди.

## «МЕНИНГ БОҒИМ» ЛОЙИҲАСИ:

# МУҲИМ ТАШАББУС ВА ИМКОНИЯТ

*Олий Мажлис Қонунчилик палатасида давлатимиз раҳбарининг “Менинг боғим” лойиҳаларини шакллантириш ва амалга оширишда жамоатчилик ҳамда халқ вакиллари иштирокини кенгайтиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони ижроси доирасида семинар ташкил этилди.*

Таъкидланганидек, “Менинг боғим” лойиҳаларини шакллантириш ва амалга оширишда депутатларнинг иштироки сайлов округларида экологик ҳолатни яхшилаш, аҳоли учун қулай атроф-муҳитни яратиш, маданий ҳордиқ ва дам олиш масканларини ташкил этиш учун янги имкониятлар бермоқда.

Мазкур лойиҳа доирасида мамлакатда яшил ҳудудларни кўпайтириш ва аҳоли учун янги боғлар яратиш мақсад қилинган. Хусусан, эндиликда “Очиқ бюджет” ахборот портали орқали ғолиб бўлмаган, аммо аҳоли манфаатларига мос ва экологик жиҳатдан долзарб бўлган лойиҳаларни депутатлар томонидан ғолиб, деб эълон қилиш амалиёти йўлга қўйилмоқда.

Семинар доирасида иштирокчиларга “Менинг боғим” лойиҳаларини шакллантиришнинг янгиланган тартиб ва босқичлари, депутатлар томонидан лойиҳаларни танлаш, баҳолаш ва ғолиб, деб эълон қилиш мезонлари ҳақида атрофлича маълумот берилди.

Шунингдек, “Очиқ бюджет” порталидаги жараёнлар, жумладан, “Депутат ташаббуси” саҳифаси билан ишлаш тартиби ҳақида сўз юритилди.

—“Менинг боғим” лойиҳалари аҳоли турмуш сифатини ошириш, шаҳар ва қишлоқ ҳудудларида экологик муҳитни яхшилаш, яшил ҳудудларни кўпайтириш ҳамда жамоатчиликнинг давлат бошқарувидаги иштирокини кенгайтиришга улкан ҳисса қўшади, — дейди Қонунчилик палатасининг Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари қўмитаси аъзоси Ойбек Раҳимов. — Ушбу семинар депутатларнинг бу борадаги масъулияти ва ролини янада кучайтиришга турткѝ беради.

Семинарда Президентимиз фармонида белгиланган устувор вазифалардан келиб чиқиб, бу борада амалга оширилиши лозим бўлган чора-тадбирлар белгилаб олинди.

**«Халқ сўзи».**

Қимматбаҳо тошларни қонунга хилоф равишда ўтказганлик учун маъмурий ва жиноий жавобгарлик белгиланди.

# СУВ РЕСУРСЛАРИДАН ОҚИЛОНА ФОЙДАЛАНИШНИНГ МУСТАҲКАМ ЗАМИНИ

*Кеча Остона шаҳрида бўлиб ўтган Минтақавий экологик саммит ҳамда Оролни қутқариш халқаро жамғармаси таъсисчи давлатлари раҳбарлари кенгашининг йиғилиши Марказий Осиёнинг яқин ўн йилликдаги тақдирини белгиловчи тарихий воқелик бўлди, десак, муболаға эмас.*

*Таъкидлаш жоизки, Оролни қутқариш халқаро жамғармаси ўтган давр мобайнида шунчаки техник тузилма эмас, балки долзарб масала — сув ресурсларини бошқариш бўйича ўзаро муҳокамалар олиб бориш йўлидаги ягона ва ноёб платформа эканини исботлади.*

*Давлатлараро сув хўжалигини мувофиқлаштирувчи комиссия ҳамда "Амударё" ва "Сирдарё" ҳавза ташкилотлари орқали йўлга қўйилган тизимли ишлар минтақада сув низоларининг олдини олиш ҳамда ресурсларни адолатли тақсимлашда асосий механизм бўлиб хизмат қилмоқда. Бироқ глобал иқлим ўзгаришлари ушбу тизимни тубдан янгилашни тақозо этаётир.*

## Нуқтаи назар

### Эҳтиёж уч баробар ошади

Таҳлилларга кўра, 2040 йилга бориб минтақанинг айрим ҳудудларида сувга эҳтиёж уч баробар ошади. БМТ маълумотига кўра, ҳозирнинг ўзида сувдан самарасиз фойдаланиш туфайли минтақа йилига 2 млрд. доллар маблағ йўқотмоқда. Агар кескин чоралар кўрилмаса, келажакда иқтисодий зарар ялпи минтақавий маҳсулотнинг 11 фоизига етиши мумкин.

Шиддатли аҳоли ўсиши, урбанизация ва саноатлашув сув ресурсларига бўлган юкламани ҳам оширяпти. Музликларнинг эриши ва табиий офатларнинг кўпайиши бу муаммони нафақат иқтисодий, балки миллий хавфсизлик даражасига олиб чиқди.

Маълумотларга қараганда, минтақанинг энг йирик дарёлари ҳавзалари сезиларли даражада қисқарган. Амударёнинг сув миқдори бу йил узоқ муддатли ўртача кўрсаткичнинг атиги 66,8 фоизини ташкил қилади. Бир йил олдин бу кўрсаткич 101,8 фоизни ташкил этган эди, яъни дарё ўз оқимининг учдан бир қисмини йўқотди. Натижада сув омборларидаги сув сатҳи ҳам пасайди. Ўзбекистон ҳамда Туркманистон учун муҳим бўлган Туямўйин сув омборида тўпланган сув ўтган йилдагига нисбатан 600 млн. кубометр кам.

Сув танқислиги тупроқ унумдорлигини тиклаш учун зарур бўлган "эритиб суғориш" вақтини кечиктиришга мажбур қилди. Бу йил у одатдагидан икки ой кечикиб, 10 февралда бошланди. Ўзбекистоннинг қурғоқчил ҳудудларида шўрланган тупроқларни эритиб юбормасдан ҳосил йиғишнинг иложи йўқ. Шунинг учун бу кечикиш жиддий йўқотишларга олиб келади. Марказий Осиёнинг иккинчи йирик дарёси — Сирдарёда вазият анча оптимистик. Умумий оқим даражаси 11,7 млн. кубометр бўлгани ҳолда ҳақиқий оқим 10,2 млн. ёки 87 фоизни ташкил этмоқда.

Бундан ташқари, "Норин — Сирдарё" сув омбори каскадида захиралар бир йил аввалдагига нисбатан 2,5 млн. кубометр кам. Орол денгизи ҳавзасига режалаштирилган сув ҳажмининг учдан бир қисмидан камроғи етиб борган. Бундай шароитда расмийлар жорий йил ёзида сув оқими энг паст кўрсаткичларни кўрсатиши мумкинлиги ҳақида огоҳлантирмоқда. Қозоғистон расмийлари Сирдарё ва Талас ҳавзаларида сув сатҳи узоқ муддатли меъёрдан паст бўлиши кутилаётгани ҳамда қурғоқчилик бўлишини башорат қилаётир.

Булардан кўриниб турибдики, Марказий Осиёда сув танқислиги муаммоси сўнгги йилларда жиддий тус олмоқда. Халқаро таҳлил маркази бўлган "New Lines Institute" ҳисоботига кўра, сўнгги 40 йил ичида аҳоли жон бошига сув таъминоти уч баравардан кўпроққа, йилига 8400 дан 2500 кубометргача ошди. Сув танқислиги иқтисодий ривожланиш ва барқарорликка асосий таҳдидлардан бирига айланиб боряпти.

### Муаммолар ва ечим

Экологик муаммолар ҳам бир неча бор ёмонлашди. 2023 йил баҳорида йирик шаҳарларда кенг кўламли сув таъминотида узилишлар қайд этилди. Бишкек, Остона ва Олмаотада сувни ўчириш жадвали жорий этилди, бу эса катта норозиликларга олиб келди. Ўша ёзда Жанубий Қозоғистоннинг бир нечта туманларида қурғоқчилик туфайли фавқулодда ҳолат эълон қилинди. Бу вазиятнинг ўзига хос сабаблари бор, албатта.

*Биринчидан*, Марказий Осиё аҳолиси ўсиб бормоқда. Собиқ иттифоқ даври охирида бешта республикада 49 млн. киши яшаган бўлса, бугунги кунга келиб 80 млн. нафардан ошди. Минтақада ўртача ҳар йили бир млн. киши қўшилмоқда, яъни 2050 йилга бориб аҳоли 100 млн. кишидан ошиб кетиши мумкин. Шубҳасиз, буларнинг барчаси истеъмолнинг ошишига олиб келади.

*Иккинчидан*, иқтисодиёт ўсиб бораётир. Евроосиё тараққиёт банки ҳисоб-китобларига кўра, минтақадаги мамлакатларнинг умумий ялпи ички маҳсулоти сўнгги 20 йил ичида йилига ўртача 6,2 фоизга ўсди. 2025 йил охирига келиб ўсиш 7 фоизни ташкил этади. Бу бутун дунё бўйлаб ривожланаётган иқтисодиётлар суръатларидан сезиларли даражада ошиб кетишини англатади. Бундан ташқари, минтақамизда катта миқдордаги сувга муҳтож бўлган саноат ҳамда қишлоқ хўжалиги устунлик қилади.

*Учинчидан*, сув кескинлиги юзага келишига иқлим ўзгариши таъсир кўрсатяпти. Метеорологларнинг таъкидлашича, минтақада йиллик ҳарорат глобал ўртача кўрсаткичдан икки баравар тез кўтарилмоқда. Шу билан бирга, Тожикистон қишлоқ хўжалиги вазири йирик дарёларни озиқлантирувчи музликларнинг аксарияти эриб кетиши ҳақида хабар берди. Унинг сўзларига кўра, сўнгги йилларда 14 000 та муз қатламидан 1000 таси йўқ бўлиб кетган.



Мутахассислар "Марказий Осиё иқлим доираси" деб аталаётган тушунча ҳақида гапиришмоқда. Ёз фасли тобора иссиқроқ ва қуруқроқ бўлиб боряпти, чўллар кенгаяётгани яна ҳам ачинарли. Бундай шароитда, ҳатто Каспий денгизи ҳам қирғоқларидан чекинмоқда. Натижада минтақада ёғингарчилик камроқ, иқлим янада иссиқроқ бўлиб бораётир.

*Тўртинчидан*, кўплаб муаммолар эскирган инфратузилма билан боғлиқ. Маълумки, каналлар, тўғонлар ва сув тарқатиш тизимларининг ёмонлашиши туфайли қишлоқ хўжалиги ерларини суғоришда сувнинг ярми йўқолади. Йиллар давомида мутахассислар замонавий томчилатиб суғориш тизимларини жорий этиш зарурати ҳақида гапирмоқда. Аммо бу технологиялар ҳали кенг қўлланилаётгани йўқ.

Мавжуд муаммоларни бартараф этиш, қолаверса, сув ресурсларини бошқариш самарадорлигини ошириш учун қатор тамойил ва ёндашувларни қўллаш муҳим ҳисобланади. Масалан, сув ресурсларини бошқаришда узоқ муддатли экологик, иқтисодий ва ижтимоий омиллар уйғунлигини таъминлаш зарур. Қарорлар нафақат жорий эҳтиёжларни, балки келажак авлодлар манфаатларини ҳам ҳисобга олиши керак. Ресурслардан фойдаланишда тенг имкониятлар яратиш орқали ижтимоий мувозанатни сақлаш жуда муҳим аҳамиятга эга. Сув ресурслари бошқаруви бўйича қарорлар қабул қилиш жараёнига фуқароларни фаол жалб этиш ва уларни маълумот билан таъминлаш орқали ресурслардан оқилона фойдаланиш маданиятини шакллантириш ҳам айни зарурат.

Сув ресурсларини бошқаришда давлат, хусусий сектор ва жамоатчилик ўртасидаги шаффоф ва самарали ҳамкорлик муҳитини яратиш мақсадга мувофиқ. Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, ифлосланиш даражасини пасайтириш ва сув экотизимларини сақлаб қолиш бошқарувнинг ажралмас қисми бўлиши лозим. Сувдан фойдаланишда иқтисодий самарадорликка эришиш, исрофгарчиликнинг олдини олиш ва харажатларни оптималлаштириш долзарб. Инфратузилмани модернизация қилиш ҳамда сув ресурсларини бошқаришни яхшилаш учун инвестицияларни жалб этиш, самарали молиявий режалар тузиш ҳам мақсадга мувофиқ. Инновацион ечимлар ва илғор технологиялар ёрдамида сув таъминоти ҳамда бошқарув тизимини такомиллаштириш барқарорликни таъминлашда муҳим ўрин тутади.

> ***Айтиш керакки, агар минтақа давлатлари бугун сув ва экология масаласида қатъий тартибли қарорларга келмаса, эртага иқтисодий зарар ҳамда ижтимоий инқирозларнинг олдини олиш имконсиз бўлиб қолади. Шу сабабли ушбу саммит — келажак авлодлар олдидаги масъулиятни ҳис қилган ҳолда ташланган энг муҳим қадам, десак, айни ҳақиқат. Қолаверса, Оролни қутқариш ва сув хавфсизлигини таъминлаш минтақавий бирликнинг энг олий синовидир.***

Мазкур тамойиллар интеграциялашган бошқарув механизмларини шакллантириш ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланишни ташкил этишда мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилади.

### Минтақавий бирлик ифодаси

Марказий Осиё давлатлари учун сув — бу шунчаки ресурс эмас, балки ҳаёт ва келажак демак. Шу жиҳатдан, Остона саммити "Марказий Осиё — ягона ва аҳил оила" стратегик ғоясининг навбатдаги амалий ифодасидир.

Саммит доирасидаги тадбирлар давомида Марказий Осиёнинг барқарор тараққиёти йўлида ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш, минтақанинг долзарб экологик, иқлим ҳамда сув муаммоларини ҳал этиш масалалари муҳокама қилинди.

Айтиш керакки, агар минтақа давлатлари бугун сув ва экология масаласида қатъий тартибли қарорларга келмаса, эртага иқтисодий зарар ҳамда ижтимоий инқирозларнинг олдини олиш имконсиз бўлиб қолади. Шу сабабли ушбу саммит — келажак авлодлар олдидаги масъулиятни ҳис қилган ҳолда ташланган энг муҳим қадам, десак, айни ҳақиқат. Қолаверса, Оролни қутқариш ва сув хавфсизлигини таъминлаш минтақавий бирликнинг энг олий синовидир.

Танқислик кучаяётганига қарамай Марказий Осиё давлатлари вазиятни ўзгартиришга қаттиқ киришган. Етакчилар мулоқотларда сувдан самарали фойдаланиш ва ҳамкорликни ривожлантиришга алоҳида урғу берди.

Президентимиз Минтақавий экологик саммитдаги нутқида Марказий Осиё давлатларини иқлим ва экология муаммолари қаршисида, хавф-хатарларни янги "ўсиш нуқталари"га айлантирган ҳолда ҳамкорликда ҳаракат қилишга чақириб, қатор аниқ таклифларни илгари сурди.

Шулардан бири — атмосфера ҳавосининг сифати ёмонлашаётган шароитда "Марказий Осиёнинг тоза ҳавоси" давлатлараро консорциумини таъсис этиш масаласи. Бу минтақа аҳолиси саломатлигини ҳимоя қилишда муҳим қадам бўлади. Консорциум саноатни модернизация қилиб, ҳавога чиқарилаётган зарарли моддалар учун тозалаш тизимларини жорий этадиган "яшил" молиялаштиришнинг қўшма операторига айланиши мумкин.

Бундан ташқари, Марказий Осиё атроф-муҳитидаги ўзгаришларнинг ягона минтақавий атласини яратиш таклифи ҳам тақдим этилдики, бу минтақамиз келажаги учун муҳим аҳамиятга эга. Мазкур атлас минтақадаги чўлланиш, тупроқ деградацияси жараёнлари ва сув ресурслари ҳолати динамикасини яққол ифода этадиган фундаментал илмий-таҳлилий базага айланади. Биологик хилмахилликни сақлаш учун "Марказий Осиё Қизил китоби"ни биргаликда ишлаб чиқиш, 2027 йилда Ўзбекистонда Бутунжаҳон ёшлар иқлим форумини ўтказиш каби ҳаётий ташаббуслар натижалари бутун минтақанинг барқарор ривожланишига хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

**Баҳодир МИРЗАЕВ,**
**«Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти» миллий тадқиқот университети ректори, техника фанлари доктори, профессор.**

## Китоб жавонингизга

# Ибратли ҳаёт эътирофи

*Тошкент давлат иқтисодиёт университети Халқаро молия кафедраси профессори, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор Гулчеҳра Ахунованинг "Замон билан ҳамнафас аёл" номли китоби чоп этилди.*




Мазкур асар олиманинг 85 йиллик таваллуд айёми муносабати билан тайёрланган бўлиб, унда юртимиз илм-фан намояндалари, турли муассаса ҳамда ташкилотлар раҳбарлари, ҳамкасблари ва шогирдларининг самимий дил изҳорлари жамланган. Китоб саҳифалари орқали ўқувчи нафақат бир олиманинг ҳаёт йўли, балки унинг илмий изланишлари, жамият тараққиётига қўшган ҳиссаси ҳамда инсон сифатидаги юксак фазилатлари билан ҳам яқиндан танишади.

Қолаверса, ушбу китобда профессор Гулчеҳра Ахунованинг кўп йиллик самарали меҳнати, илмий ютуқлари ва ёш кадрларни тарбиялашдаги беқиёс ҳиссаси эътироф этилиб, унинг илмий фаолияти ҳамда ҳаёт йўли кўплаб ёшлар учун ибрат мактаби бўлиб хизмат қилиши таъкидланган.

Китоб замон билан ҳамқадам яшаган, ўз меҳнати ва касбга садоқати билан юксак эътирофга сазовор бўлган аёл сиймосини ёрқин тамсилларда ифодалаган.

**«Халқ сўзи».**

# Ноёб қушлар табиатга қўйиб юборилди

*Йўрға тувалоқ — Қизилқум чўли экотизимининг ноёб қуши бўлиб, у биологик хилмахилликни сақлашда муҳим ўрин тутади. Ушбу қуш нафақат Ўзбекистон табиати безаги, балки халқаро миқёсда ҳам муҳофазага муҳтож турлардан ҳисобланади. Шу боис йўрға тувалоқ Ўзбекистон Республикасининг Қизил китоби ҳамда Табиатни муҳофаза қилиш халқаро иттифоқининг Қизил рўйхатига йўқолиб кетиш хавфи остида турган тур сифатида киритилган.*

## Ғамхўрлик



Сўнгги йилларда Навоий вилоятида ҳам йўрға тувалоқларни асраш ва кўпайтиришга алоҳида эътибор қаратиляпти. Хусусан, шу мақсадда Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитаси, Бирлашган Араб Амирликларининг "Йўрға тувалоқни асраш" маркази ҳамда "Falcon Hunting Solutions" МЧЖ ўртасидаги ҳамкорлик доирасида самарали ишлар олиб боriляпти.

— Йўрға тувалоқлар табиий муҳитга мослашувчанлиги билан ажралиб туради, — дейди эколог олим Эшмамат Тоғаев. — Агар улар учун қулай шароит яратилса, популяцияни барқарор даражада сақлаб қолиш имконияти юқори.

Яқинда ҳамкорлар томонидан Конимех, Учқудуқ, Томди туманларининг чўл ҳудудларига 2400 та йўрға тувалоқ қўйиб юборилди. Шу билан бирга, уларнинг яшаш муҳитини муҳофаза қилиш ва аҳоли ўртасида экологик маданиятни ошириш юзасидан ҳам тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилмоқда.

**Темур ЭШБОЕВ**
**(«Халқ сўзи»).**

## Огоҳлик



# «ВИРТУАЛ ОЛАМ»НИНГ АСИРИГА АЙЛАНМАНГ



***Технологик тараққиёт башариятга мисли кўрилмаган имконият ва қулайликлар тақдим этгани рост. Лекин ҳар нефнинг ҳам ўз сояси бўлгани каби рақамли қулайликлар ҳам ижтимоий иллатларни урчитмоқда, аниқроғи, ҳаётимизга ўзимиз олиб кирмоқдамиз. Эътибор берган бўлсангиз, кейинги вақтда транспортда, истироҳат боғида, оилавий давралар, ҳатто, тўй-ҳашамларда ҳам кишини чуқур ўйга толдирувчи бир хил манзарага дуч келяпмиз. Бу — ўнлаб ёшлар, аксарият мактаб ўқувчиларининг дунёни унутганича телефоннинг зангори экранига "михланиб" қолаётгани.***

Уларнинг вужудини ёнимизда қолдириб, хаёл ва руҳиятини аллақаёқларга олиб кетган "PUBG Mobile" деб аталувчи, миллионлаб одамларни ўз домига ғарқ қилаёзган "виртуал олам"дир. Таассуфки, бу "фронт"нинг асирига айланган ёшлар бир муддат ўтгач, ўша "фронт"нинг қурбонига айланмоқда.

— 2025 йил кузининг илк кунлари Покистондан тарқалган хабар кўпчиликни ҳайратга солиши билан бирга ҳушёрликка чақирган эди, — дейди Нурафшон шаҳри Мактабгача ва мактаб таълими бўлими бош мутахассиси, педагог Фотима Тўхтаназарова. — Тарқатилган расмий ахборотга кўра, 14 ёшли Али исмли покистонлик бир неча кун давомида хонада қамалиб олиб "PUBG"да ўйин ўйнайди. Онасининг доимий танбеҳлари ва "PUBG"даги навбатдаги мағлубият унга салбий таъсир кўрсатади. Бундай палладa ўсмир йигит қуролни қўлга олиб онасини, акаси ва икки синглисини отиб ташлайди. Суд болани умрбод қамоққа ҳукм қилди. Ўлим жазосидан уни фақат ёши қутқарди — қотиллик пайтида у атиги 14 ёшда эди!..

Шу ўринда ҳақли савол туғилади: нима учун айнан "PUBG" ёшлар онгини бу қадар тез эгаллайди?

Руҳшуносларнинг фикрича, бу ўйин инсон миясидаги "мукофотлаш тизими"ни маҳорат билан бошқаради. Ҳар бир отилган аниқ ўқ, ҳар бир топилган виртуал қурол ёки ҳар бир ғалаба учун бериладиган "Winner Chicken Dinner" унвони мияда дофамин — завқланиш гормонининг кескин ортишига сабаб бўлиши мутахассислар томонидан тасдиқланган. Бола ҳаётда эриша олмаган эътирофни "виртуал фронт"да осонлик билан топмоқда. Мактабда ўзлаштириши суст, баҳоси паст, тенгдошлари орасида обрўси бўлмаган ўсмир "PUBG" оламида "профессионал жангчи"га айланади. Бу иллюзия шу қадар кучлики, вақт ўтиши билан бола реал ҳаётдаги қийинчиликлардан қочиб, фақат ўша виртуал ҳудудда яшашни истай бошлайди. Бу эса наркотик ёки алкогол қарамлигидан кам бўлмаган руҳий тобеликни келтириб чиқармоқда.

Статистик маълумотлар "PUBG" ўйинчиси кунига 4 соатдан 8 соатгача вақтини виртуал оламда ўтказаётганини кўрсатади. Демак, ўсмир ёшлигининг энг унумдор вақтини, илм эгаллаши ва жисмонан чиниқиши керак бўлган йилларининг деярли ярмини ҳавога совурмоқда.

Дейлик, кунига 5 соат ўйин ўйнайдиган бола 1 йилда 1825 соатини виртуал жангда олишув учун сарфлайди. Бу вақт ичида иккита хорижий тилни мукаммал ўрганиш ёки битта ҳунарнинг етук устаси бўлиши мумкин.

"PUBG" нафақат вақт ўғриси, балки саломатлик кушандаси ҳамдир. Доимий равишда эгилган ҳолда телефонга тикилиш умуртқа поғонасининг жиддий қийшайиши (сколиоз) ёки бўйин умуртқалари остеохондрозига олиб келади. Кўз нурининг эрта пасайиши эса ҳозирги авлоднинг умумий муаммосига айланиб улгурди. Ачинарлиси, руҳиятдаги ўзгаришлардир.

— Ўйиндаги доимий агрессия, отишма ва ўлдириш саҳналари боланинг ҳис-туйғуларини сўндиради, — дейди Ўрта Чирчиқ туманидаги 49-умум таълим мактаби психологи Зоҳида Ибодова. — У ҳаётда ҳам муаммоларини жаҳл ёки куч билан ҳал этишга мойил бўлиб қолади. Мағлубиятга учраганида эса телефонини ерга уриб синдириш, ота-онасига бақириш, ўйиндан чалғитган яқинларини душман деб билиш — буларнинг барчаси оғир руҳий бузилишнинг илк белгилари. Бу эса боланинг соғлом улғайишига тўсқинлик қилиши аниқ.

Ўйин ичидаги харидлар, яъни "скин" — "виртуал кийим" ва қурол-яроғ учун "виртуал фронт" аскарлари бўлган ёшлар ҳамёнидаги пулларини сарфламоқда. Ота-онанинг машаққат билан топган маблағини бу каби ҳеч қандай моддий қийматга эга бўлмаган "пискел"лар учун сарфлаш иқтисодий исроф билан бирга маънавий қашшоқликнинг бошланғич белгилари ҳамдир. Афсусланарлиси, ўйин учун пул топиш мақсадида бу азамат жангчилар ота-онасининг пластик карталаридан яширинча пул ечиб олаётгани ҳақидаги хабарлар ҳам эшитилмоқда.

Мулоқотга асосланган ўйин, дея талқин қилинувчи бу виртуал ўйин жамиятда ўзаро меҳр-оқибат ришталарининг дарз кетиши ва одамови, экран ортига яширинган ўсмирларнинг вояга етишига сабаб бўлмоқда. Эҳтимол, нуқсонни фақат "ақлли матоҳ" ичидаги "виртуал дунё"дан эмас, ота-она ҳамда педагоглардан ҳам қидириш керакдир ва бу адолатдан бўлар. Дарҳақиқат, виртуал ўйинларнинг бу қадар оммалашгани маънавий-тарбиявий бўшлиқнинг оқибати эканлиги аён. Агар бола оила ёки таълим муассасасида етарлича эътибор кўрмаса, у ғамхўрликни "виртуал олам"дан излайди. Агар унда китобхонлик, спорт ёки бирор ҳунарга иштиёқ шакллантирилмас экан, бола ўз ҳаётини "виртуал жанг" майдонларида қурбон қилаверади.

Ҳаёт — ўйин эмас. Уни биргина "Restart" тугмасини босиш орқали қайтадан бошлаб бўлмайди. Боланинг қўлидан телефонни тортиб олиш ягона мақбул ечим бўлмагани каби, уни ўз ҳолича ташлаб қўйиш ҳам чора эмас. Демак, муҳтарам ота-она ва мўътабар муаллимлар фарзанд тарбиясида ҳамкорлик ва ҳамфикрлиликни маҳкам тутишлари лозим. Токи, эртанги кун эгалари ва келажак бунёдкорлари бўлган ёш авлод вакилларининг умри рақамли дунёда хазон бўлмасин. Токи, янги насллар "виртуал фронт" қурбонларига айланмасин!

**Отабек ИСРОИЛОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

**Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти Ўзбекистоннинг болалар онкологиясига қарши курашдаги етакчилигини эътироф этди.**

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 442. 23 403 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-259-74-51; котибият 71-259-74-53; эълонлар 71-259-74-87.

ISSN 2010-6788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

МАНЗИЛИМИЗ:
100066,
Тошкент шаҳри,
Ислом Каримов кўчаси, 55-уй.
Навбатчи муҳаррир — Ғ. Баҳромов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 03.00 Топширилди — 03.10 1 2 3 4 5 6